ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00256

ҒЎЗА ОИЛАЛАРИНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ

Х. Эгамов
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг доценти

У. Абдумаликов
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг ўқитувчиси

Г. Мирхомидов
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг ўқитувчиси

И. Ниманов
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг талабаси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Андижонг-35 нави хамда бир қанча оилалар ўрганилган. Нав ва оилаларнинг энг керакли қимматли хўжалик белгилари жумладан ҳосилдорлик, бир дона кўсак пахтасининг оғирлиги, тола узунлиги, тола чиқими хамда микронейр кўрсаткичлари аниқланган. Оилалар бўйича 144 оиласида тажриба ишларини давом эттириб, уни нав даражасига кўтариш мумкин деб хулоса келинган.

Калит сўзлар: селекция, уруғчилик, пахта, ғўза, чигит, тола, микронейр, вильвет доскасида, вариант, қайтарик, дурагай.

RESULTS OF THE STUDY OF COTTON FAMILIES

X. Egamov
Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology
associate professors

U. Abdumalikov
Teacher of Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology

G. Mirxomidov
Teacher of Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology

I. Nimanov
Student of Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00256

ABSTRACT

This article examines the Andijong-35 variety and several families. The most important economic characteristics of the variety and family, including productivity, weight of a single stalk of cotton, fiber length, fiber yield and micronaire indicators were identified. It was concluded that it was possible to continue the experimental work in 144 families and raise it to the varietal level.

Keywords: selection, seed, cotton, cotton, seed, fiber, micronaire, vilvet board, variant, return, hybrid.

КИРИШ

Малакатимиз иктисодиётинннг юксалишида пахтачилик алоҳида ўрин тутади, чунки пахта толаси давлатимиз экспортининг асосини ташкил этади.

Пахта толасининг асосий сифат кўрсаткичларига тола узунлиги, чиқими ва ингичкалиги киради. Тола узунлиги, деб туғриланган толанинг икки учи орасидаги масофага айтилади. Тола узунлигига уч хил кўрсаткич ёрдамида баҳо бериш мумкин. Биринчи кўрсаткич — вильвет доскасида аниқланиб, бунда чигит сиртидан узун толанинг учигача бўлган масофа ўлчанади. Иккинчи кўрсаткич - штапель вазн узунлиги, яьни барча толаларнинг ўртача вазн узунлиги. Учинчи кўрсаткич - HVI ўлчаш системаси таркибига кирадиган қурилмада аниқланади. Тола чиқими - маълум бир вазндаги чигитли пахтадан чиққан тола микдорининг фоизлардаги ифодаси. Тола ингичкалиги бу қуруқ тола диаметри (эни)нинг микрон ҳисобидаги ўлчами.

Тола ингичкалигига ҳам уч хил кўрсаткич ёрдамида баҳо бериш мумкин. Биринчиси, метрик номер бу 1 г толанинг метр ҳисобидаги умумий узунлигини билдиради. Тола қанчалик ингичка бўлса. толаларнинг умумий узунлиги шунчалик юқори бўлади. Иккинчиси, чизиқли зичлик бу толанинг узунлик бирлигидаги вазни [1;2] .

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Халқаро бирликлар системасида толанинг чизиқли зичлиги текстарда ифодалалади. Текс 1 км узунликдаги толанинг вазни неча грамм эканлигини кўрсатади. Хозирги вақтда ўрта толали ғўза навларининг микронейр кўрсаткичи бўйича максимал чегараси 4,8 ни ташкил қилади. Микронейр кўрсаткичи 4,8 дан юқори бўлса, тола дагал ҳисобланади ва жаҳон андозасига мос келмайди[3;4;5].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00256

Тола сифатини агротехник тадбирлар ёрдамида маълум бир даражага ўзгартириш мумкин. Бироқ, тола сифатини бутунлай ўзгартириб бўлмайди. Яъни маълум бир навнинг тола сифати жуда паст бўлса, агротехника йўли билан энг юқори даражага кўтариб бўлмайди. Тола сифатини яхшилаш ва оширишнинг ягона ишончли усули селекция йўли билан сифатли толага эга бўлган янги нав яратишдир[6].

НАТИЖАЛАР

ПСУАИТИ Андижон илмий тадқиқот станцисида ҳам ғўза селекцияси бўйича самарали ишлар олиб бормоқда. Айниқса, тола сифати бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлган навлар яратилган.

Ҳозирги вақтда тажриба хўжалигида 20дан ортиқ тизмалар ва бир қанча навлар ҳамда ҳар хил нав ва тизмаларни чатиштириб олинган оилалар устида селекция ишлари олиб борилмоқда [7].

Натижада, Давлат реестирига киритилган, ишлаб чиқаришда экилаётган навлар ва айрим жаҳон коллекцияси намуналаридан фойдаланиб, уларни туричи, навлараро, турлараро дурагайлаш, селекциянинг аналитик, синтетик, трансгрессив, педигри ҳамда қайта ва тўйинтирувчи чатиштириш усуллари билан1969-2019 йилларда изланишлар олиб борилган.Бунинг натижасида қимматли хўжалик белгилари ўртасидаги салбий коррелятив боғланишлар бузилиб, бир қатор янги истиқболли тезпишар, серҳосил, тола чиқими ва сифати юқори, вилтнинг янги вирулент штаммларига бардошли бўлган оила ва тизмалар яратилган ҳамда селекция жараёнига бошланғич ашёлар сифатида тавсия қилинган.

Селекция йўналиши бўйича яратилиб, районлаштирилган 175-Ф, Андижон-9, Андижон-35, Андижон-36, Андижон-37 ва Ибрат навлари Давлат реестирига киритилиб, ишлаб чиқаришга кенг жорий этилган. Шунингдек, ғўза касаллик ва зараркунандаларига бардошли истиқболли мақомини олган Андижон-6, Андижон-9- “яхшиланган”, Андижон-20, Андижон-33, Андижон-34, Андижон-40, ”Жайхун” ,ЎзПИТИ-201, ЎзПИТИ-202 ва ЎзПИТИ-203 ғўза навлари яратилб ишлаб, чиқаришга жорий этилган. СП-204, СП-206, СП-207, СП-208, АҚХИ-1, Дурдона каби навлар Давлат нав синовида ва ишлаб чиқаришда синовдан ўтмоқда.175-Ф нави 1981-2001 йиллар давомида 830000 гектар майдонга жорий этилган. Андижон -9 нави 1987-1995 йилларда 110000 гектар майдонга экилган. Андижон-9-“яхшиланган” нави эса 1996-2003 йилларда 34000 гектар майдонга экилган. Андижон – 35 нави 2006 йилдан 2019 йиллар давомида Республикамизда 522294 гектар майдонга экилган.Андижон-

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00256

36 нави 2006-2019 йиллар давомида жами 312748 гектар майдонга экилган. Андижон-37 нави 2006 йилдан 2019 йилгача 52670 гектар майдонга экилди. Ибрат нави Андижон ва Хоразм вилоятларида 2006-2016 йиллар давомида71000 гектар майдонга экилган. Истиқболли навлар: ЎзПИТИ-201 ғўза нави 2013- 2019 йилларда 15500 гектар майдонга экилган.ЎзПИТИ-202 ғўза нави 2016- 2019 йилларда 1200 гектар майдонга экилган.ЎзПИТИ-203 ғўза нави 2017- 2019 йилларда 290 гектар майдонга экилган. Хуллас, ғўза зараркунандаларига бардошли янги навлари яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида, мавжуд навларга нисбатан ғўза зараркунандаларига кам ишлов берилади. Ғўзанинг тезпишарлиги 5-6 кунга, ҳосилдорлиги 4-5ц/га ошади, тола чиқиши 1,0-1,5фоизга, тола узунлиги 1,5-2,0ммга юқори бўлади. Бўлар ҳисобига фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлиги ва рентабеллиги 15-20 фоизга юқори бўлади.

2016-2018 йилларда Андижон илмий тажриба хўжалиги шароитида юқори тола сифатига эга бўлган ғўза оилаларини аниқлаш мақсадида тажриба қўйилди. Тажрибада оилаларини андоза сифатида Андижон-35 навига таққослаб ўрганилди. Тажриба даласида ҳар бир вариант 4 қаторга узунлиги 10м. дан қилиб, 4 қайтарикда жойлаштирилди. Экиш тартиби 90 х 20-1. Барча вариантларда агротехник тадбирлар бир хилда ўтказилди. Тажрибанинг 3 терми билан ўртачаси 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал.

Андоза нав ва оилаларнинг ҳосилдорлиги,ц/га

Нав оилалар	**Ҳосилдорлик, ц/га**	**Бирдона кўсак пахтасининг оғирлиги, г**
Анлижон-35 (андоза)	36,6	6,8
132	37,5	6,3
133	38,1	5,9
136	37,9	6,0
137	39,8	7,1
140	40,1	6,9
142	39,9	6,5
144	41,0	7,0
155	39,7	5,9
161	36,8	6,4
	$НСР_{0.95}$	1,8ц/ га

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, энг юқори ҳосил 144 (41,0 ц/га) ва 140 (40,1 ц-га) оилаларида эканлиги маълум бўлди. Бирдона кўсак

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00256

похтасининг оғирлиги бўйича 137 (7,1 г) ва 144 (7,0г) оилалари юқори кўрсаткич берди.

Тажрибадаги ғўзалар тўла пишгандан сўнг ҳар бир вариантдан тўла пишиб очилган 50 та кўсакнинг чигитли пахтаси халтачаларга териб олинди. Лаборотория да намуналарнинг тола сифати тахлил қилинди. Толанинг микронейр кўрсаткичи Андижон "Сифат"лабороториясида аниқланди.

МУҲОКАМА

Лаборотория тахлил натижаларидан тола узунлиги бўйича оилаларини андоза навдан устун эканлигини кўришимиз мумкин. Айниқса, 137, (35,1мм), 140 (34,2мм) ва 144 (35,1 мм) оилалари андоза навдан толаси 2.5-3 мм узунлигини намоён қилди. Тола чиқими бўйича энг юқори натижа142 (40,6%), 144 (40,8%) ва 155 (38,5%) оилаларида кузатилди.

Микронейр кўрсаткичи бўйича барча вариантлар давлат андозасига мос бўлди. Қолган оилаларининг кўрсаткичлари эса, назорат вариантининг натижаси билан деярли тенг бўлганлиги аниқланди. Ўрганилган оилалар ичидан 137, 140, 142, 144, 155 оилалари уччала кўрсаткич бўйича энг юқори натижага эришди. Қолган оилаларда бир белгининг ортиши билан бошқа белгининг пасайганлиги кузатилди. Масалан, 137 оиласининг тола узунлиги ва микронейр кўрсаткичи бўйича ижобий натижага эришган, тола чиқими бўйича паст натижани ҳосил қилди (2-жадвал).

ХУЛОСА

Ўрганилган тажриба натижаларидан қуйидаги хулосаларга келдик:

-144 оиласида тажриба ишларини давом эттириб, уни нав даражасига кўтариш мумкин;

2-жадвал.

Андоза нав ва оилаларнинг тола сифати

Нав оилалар	Тола узунлиги,мм	Тола чиқими, %	Микронейр
Анлижонғ35 (андоза)	32,0	36,7	4,7
132	33,2	38,3	4,7
133	34,0	38,2	4,6
136	34,0	34,1	4,5
137	35,1	34,0	4,2
140	34,2	36,2	4,3
142	32,0	40,5	4,4

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00256

144	35,1	40,8	4,2
155	33,9	38,5	4,3
161	34,2	37,6	4,1

Ғўзанинг тола сифатини оширишда ўрганилган оилалардан амалий селекция учун бошланғич манба сифатида фойдаланиш мумкин.

REFERENCES

1. Қосимов А. Эгамов Х. Комилов Т. Янги навларни танлаш синови Дехкончилик тизимида зироатлардан мўл хосил етиштиришнинг манбаа ва сув тежовчи техналогиялари мавзусидаги халкаро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги маколалар тўплами. Тошкент 2010 й 321-322 бетлар
2. Қосимов А., Эгамов Х., Кмилов Т. Янги тизмаларни синови натижалари. Қишлоқ хўжалигида янги тежамкор агротехнологияларни жорий этиш, мавзуидаги Республика илмий-амалий конференцияси(2011 йил 6-7декабр) маърузалари туплами.Тошкент-2011й. 285-б
3. Эгамов Х. Ғўзанинг янги тизмаларини хўжаликка фойдали белгиларини ўрганиш натижалари. Дала экинлари селекцияси, уруғчилиги ва агротехнологияларининг долизарб йўналишлари. 2016 й, 253-256 б.
4. Эгамов Х., Абдумаликов У., Запаров З., Тиллабоев А., Тошпўлатов А.Яратилган янги ғўза тизимларининг хўжаликка фойдали белгиларини аниқлаш. Инновация: фан, таълим, технология. Илмий-услубий мақололар тўплами. Сборник научно методических статией №1. Андижон. 2018 й. 121-123-б.
5. Эгамов Х., Абдурахмонов И., Бахромов Ш. Ғўзанинг касаллик ва зараркунандаларга бардршли навларни яратишга бирламчи ашёлар. Аграр соҳани барқарор ривожлантиришда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси.
“2020 йил Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни тивожлантириш йили”га бағишланган профессор – ўқтивчи ва ёш олимларнинг III-масофавий илмий- амалий конференцияси материаллари тўплами 21 май 2020 йил. Тошкент, 2020 йтл 189-181 б.
6. Мирахмедов Ф.Ш., Абдумаликов У.З., Абдумаликов И., Тиллабоев А. Минеральные удобрения и их рациональное применение на орошаемых землях Узбекистана // Интеграционные процессы мирового научно-технологического развития, Белгород, 2017. С. 19-21.
7. Кимсанов И.Х, Кодиров О.А, Рахимов А.Д, Абдумаликов У.З. Изучение морфологических и хозяйственно-ценных признаков новых сортов хлопчатника в условиях андижанского вилоята// Приоритеты инновационно-технологического развития в условиях глобализации, Белгород, 2019. С. 24-27.